# ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

(2020 йил январь)

***Доцентлар:***

*Тиббий профилактика факультетига қарашли "Коммунал ва меҳнат гигиенаси" кафедраси*

*Даволаш факультетига қарашли "ЛОР ва стоматология " кафедраси*

*Тиббий педагогика факультетига қарашли "Реабилитология халқ, тиббиёти ва жисмоний тарбия" кафедраси*

*Даволаш факультетига қарашли "2-сон акушер гинекология" кафедраси*

***Катта ўқитувчи:***

*Тиббий педагогика факультетига қарашли "Психиатрия ва наркология" кафедраси*

***Ассистентлар:***

*Даволаш факультетига қарашли "Хирургик касалликлари" кафедраси*

*Даволаш факультетига қарашли "2-сон ички касалликлар" кафедраси*

*Даволаш факультетига қарашли "2-сон умумий ва болалар жарроҳлиги" кафедраси*

*Даволаш факультетига қарашли "1-сон ички касалликлар пропедевтикаси" кафедраси*

*Тиббий профилактика факультетига қарашли "Тиббий ва биологик кимё" кафедраси*

*Тиббий профилактика факультетига қарашли "Микробиология, вирусология ва иммунология" кафедраси*

*Тиббий профилактика факультетига қарашли "Фармакология" кафедраси*

*Тиббий профилактика факультетига қарашли "Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби" кафедраси*

*Тиббий профилактика факультетига қарашли "Атроф-муҳит гигиенаси" кафедраси*

*Тиббий профилактика факультетига қарашли "Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси" кафедраси*

*Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли "Жамоат соғлиқни сақлашни*

*ташкил этиш ва бошқариш" кафедраси*

*Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли "Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи" кафедраси*

*Малака ошириш факультетига қарашли "Дерматовенерология" кафедраси*

***Ҳужжатларни қабул қилиш муддати бир ой эълон қилинган кундан бошлаб, ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.***

***Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.***

MUASSIS: TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI

MUHARRIR TURDIQUL BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI: Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari), O.Hazratov, A.Zohidiy, D.Norgulov, L.Abduqodirova, M. Hasanova

Gazeta Pentium-IV kompyuterida sahifalandi va Toshkent Tibbiyot akademiya RISOGRAFida 400 nusxada chop etildi. Manzilimiz: Toshkent shahri, Farobiy ko'chasi, 2-uy **Nashr uchun ma`sul** Q.Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda 02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi mumkin. Maqolalardagi ma`lumotlar uchun mualliflar javobgardir

Бепул тарқатилади

Topshirish vaqti: 14.00

TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI № 12 2019 YIL 24 DEKABR



## ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

***Азиз устоз ва талаба-ёшлар! Сизларни қутлуғ қадамлар билан кириб келаётган Янги – 2020 йил билан чин дилдан табриклайман.***

*Эл-юртимиз фаровонлиги йўлидаги барча ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаб, йил давомида яхши кайфият ва омад сизларни асло тарк этмасин! Оилангизга бахту саодат, хонадонларингиздан тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака аримасин!*

*2019 йилда юртимиз ҳаётида яхши кунлар, улкан ютуқлар ва марралар кўп бўлди. Шу ўринда тарих саҳифаларидан жой олаётган 2019 йил академиямиз ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, ўқув жараёнига янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши биз кутган натижаларни берди. Илмий тадқиқотлар борасида ҳам аҳамиятга молик, ижобий ютуқларга эришилди. Қувонарлиси янгидан-янги илмий тадқиқотлар ва ихтирочилик ишлари республикамиз жамоатчилиги эътиборини қозонди. Маънавият ва маърифат, маданият ва спорт соҳасида қилинган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳам ўзига хос салмоққа эга.*

*Академиямизда таҳсил олувчи талаба-ёшларнинг ютуқлари билан бирга, Президент, Ибн Сино ва бошқа номдор стипендиантларнинг кўплаб чиққани ҳам олиб борилаётган тизимли ишларнинг самараси десак, муболаға бўлмайди.*

*Қутлуғ қадамлар билан кириб келаётган 2020 йилда ҳам академиямиз жамоаси катта-катта режаларни амалга ошириш, бир қатор хайрли тадбирларни ўтказишни мўлжалламоқда.*

*Қадрли устозлар, муҳтарам профессор-ўқитувчилар, азиз талабалар кириб келаётган Янги – 2020 йилда сизга ва оила аъзоларингизга меҳнат фаолиятида, ўқишда, жамоат ишларида ҳамиша бахт ва омад ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламан!*

*Илмий, ижодий, ўқишдаги фаолият ва интилишларингизда муваффақиятлар тилайман. Сиҳат-саломатлик, шоду хуррамлик, бахту саодат барчамизга йўлдош бўлсин.*

*Янги йилингиз муборак бўлсин, муҳтарам академиямиз жамоаси, қадрли профессор-ўқитувчилар ва талабалар!*

***Л.ТУЙЧИЕВ,***
***Тошкент тиббиёт академияси ректори***

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЭЗГУ ҒОЯЛАРИ АМАЛДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.***

Мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитети ҳам шунча кучли бўлади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди.

Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

(Давоми 2-бетда.)

Ҳикмат

*Оқ булутлар осмонни орога ўраб турар,*
*Ногоҳ шамол келарда, қулоғин бураб турар.*

Ҳикмат

# ТУРКИЯ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ ФАХРИЙ ПРОФЕССОРИ БЎЛДИ



***Айни пайтда Тошкентда Ўзбекистон ҳамда Туркия Республикалари ўртасида соғлиқни сақлаш, тиббий таълим ва илм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган ўзбек–турк форуми бўлиб ўтмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, Ўзбекистон ва Туркия ўртасида тиббиёт йўналишида малакали кадрлар тайёрлаш ва илм-фан соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Туркия соғлиқни сақлаш вазири Фахреттин Коджага Тошкент тиббиёт академиясининг фахрий профессори унвони берилди.

Маълумот учун, 2019 йил 11 ноябрь куни вазир Иномжон Мажидов Хорижлик турклар ва қавм жамиятлар идораси раиси Абдуллоҳ Эрен бошлигидаги делегациясини қабул қилиб, иқтидорли ўзбек ёшларига Туркия ҳукумати стипендияларини тақдим этиш имкониятини муҳокама қилган.

Айни пайтда Ўзбекистон ҳамда Туркия Республикаси мутахассисларининг тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган изланишлар ҳақидаги қизиқарли тақдимотлари бўлиб ўтмоқда.

# ҚОЗОҒИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ ФАХРИЙ ПРОФЕССОРИ БЎЛДИ

***Пойтахтимизда Қозоғистон тиббиёти кунлари бўлиб ўтмоқда. Мамлакатимизда Қозоғистон йили доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда қўшни мамлакат соғлиқни сақлаш соҳаси вакилларидан иборат нуфузли делегация ҳам иштирок этишаяпти.***



Ушбу тадбир доирасида Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, тиббиёт фанлари доктори Елжан Биртанов ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадмановнинг буйруғига биноан “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги тиббий таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган муносиб шахсий ҳиссаси учун у Тошкент тиббиёт академиясининг фахрий профессори унвонига ҳам сазовор бўлди.

Айни пайтда Қозоғистон тиббиёти кунлари доирасида ушбу мамлакат мутахассисларининг тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган изланишлар ҳақидаги қизиқарли тақдимотлари бўлиб ўтмоқда.

Ҳикмат

*Ҳаргиз хитоб билан дил ололмайсан,*
*Меҳрсиз, ҳеч қалбга қўл сололмайсан.*

Ҳикмат



## *ТТА бўйича январь ойида туғилган ҳамкасб, устозларимиз*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 41 | Юлдашева Фируза Умаровна | 15.01.1964 | Жамоат соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси катта ўқитувчиси |
| 42 | Тошпўлатова Муниса Нигматжановна | 15.01.1984 | Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси ассистенти |
| 43 | Юсуфова Муниса Алишер қизи | 16.01.1993 | Анатомия ва клиник анатомия кафедраси ассистенти |
| 44 | Ортиқов Бобомурод Боймаматович | 16.01.1989 | Болалар ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси ассистенти |
| 45 | Мирхамидов Джалал Халилович | 16.01.1959 | Урология кафедраси доценти |
| 46 | Ғайбуллаева Динара Фатхуллаевна | 17.01.1968 | 1-сон акушер ва гинекология кафедраси ассистенти |
| 47 | Бобоев Бекзод Ахмадбек ўғли | 17.01.1978 | Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик кафедраси ассистенти |
| 48 | Хошимова Масуда Комилжановна | 17.01.1959 | Педагогика ва психология кафедраси доценти |
| 49 | Азизова Камола Руфатовна | 18.01.1979 | Тармоқларни бошқариш бўлими бошлиғи |
| 50 | Аладова Людмила Юрьевна | 18.01.1971 | Юқумли ва болалар юқумли касалликлар кафедраси катта ўқитувчиси |
| 51 | Кулкараев Абдусалим Каримович | 18.01.1966 | Врачлар малакасини ошириш кафедраси мудири |
| 52 | Шарипов Улуғбек Абдурахманович | 19.01.1979 | Реабилитология халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия кафедраси ассистенти |
| 53 | Ибодуллаев Зарифбой Ражабович | 19.01.1967 | Асаб касалликлари кафедраси, тиббий психология ва психотерапия курси профессори |
| 54 | Рустамова Сурайё Шахобовна | 19.01.1970 | Тиббий педагогика факультетининг ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари |
| 55 | Эшбаева Камила Ураловна | 19.01.1982 | Жамоат соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси ассистенти |
| 56 | Садикова Зумрад Шавкатовна | 20.01.1955 | Анатомия ва клиник анатомия кафедраси доценти |
| 57 | Абдугаппаров Фазлхон Бахтиярович | 20.01.1990 | Фтизиатрия ва пульмонология кафедраси ассистенти |
| 58 | Охунов Алишер Орипович | 23.01.1968 | 1-сон умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси мудири |
| 59 | Абдуллаев Улуғбек Мейлик ўғли | 24.01.1988 | Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси ассистенти |
| 60 | Мирвалиева Нафиса Режаметовна | 24.01.1946 | Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси ассистенти |
| 61 | Комилова Малохат Олимовна | 24.01.1971 | Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси |
| 62 | Собиров Жасурбек Олтибоевич | 24.01.1990 | Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик кафедраси ассистенти |
| 63 | Джураева Зулфия Баратовна | 25.01.1975 | Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси катта ўқитувчиси |
| 64 | Арипова Нозима Абраровна | 26.01.1979 | 1-сон факультет госпитал терапия ва касб касалликлари кафедраси курси ассистенти |
| 65 | Даминов Хилола Маратовна | 26.01.1976 | Асаб касалликлари кафедраси, тиббий психология ва психотерапия курси доценти |
| 66 | Лян Екатерина Михайловна | 26.01.1991 | Психиатрия ва наркология кафедраси ассистенти |
| 67 | Назарова Барно Улмасовна | 26.01.1977 | Дерматовенерология кафедраси ассистенти |
| 68 | Қодирова Рано Бердиевна | 27.01.1951 | 2-сон болалар касалликлари кафедраси ассистенти |
| 69 | Бердиева Дилфуза Умрзаковна | 27.01.1979 | 1-сон факультет госпитал терапия ва касб касалликлари курси кафедраси ассистенти |
| 70 | Ниёзова Нилуфар Шомуратовна | 27.01.1974 | Ижтимоий фанлар кафедраси доценти |
| 71 | Саматова Лобар Дилмуродовна | 28.01.1980 | Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси ассистенти |
| 72 | Эсанов Уктам Джаббарович | 28.01.1957 | Тиллар кафедраси доценти |
| 73 | Патахова Малика Хусановна | 28.01.1974 | 1-сон ички касалликлари пропедевтикаси кафедраси ассистенти |
| 74 | Акпербекова Ирина Сергеевна | 28.01.1985 | 1-сон акушер ва гинекология кафедраси ассистент |
| 75 | Алюшева Закия Тагировна | 29.01.1967 | Таҳририй-нашриёт бўлими корректори |
| 76 | Мирпайзиева Мутабар Абдуганиевна | 29.01.1979 | Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси ассистенти |
| 77 | Хакимов Зиявиддин Зайнутдинович | 30.01.1947 | Фармакология кафедраси профессори |
| 78 | Гулманов Илич Джумабаевич | 31.01.1970 | Анатомия ва клиник анатомия кафедраси катта ўқитувчиси |
| 79 | Ганиева Нилуфар Хамраевна | 31.01.1982 | Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси ассистенти |
| 80 | Саттаров Иноят Сапарбаевич | 31.01.1975 | 1-сон умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси доценти |
| 81 | Джураева Гулноза Тулкуновна | 31.01.1975 | 2-сон акушер гинекология кафедраси ассистенти |
| 82 | Анварова Екатерина Владимировна | 31.01.1981 | Фтизиатрия ва пульмонология кафедраси ассистенти |

**ТТА ректорати ва касаба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кунлари билан муборакбод этади.**

Ҳикмат

*Лойқа сув тупроққа бўкиб яшайди,*
*Лойқа дил-ҳасаддан чўкиб яшайди.*

Ҳикмат

## ТТА бўйича январь ойида туғилган ҳамкасб, устозларимиз

| № | Ф.И.Ш. | Туғилган санаси | Кафедра ва лавозими |
|---|---|---|---|
| 1 | Назарова Мафтуна Мирсаидовна | 01.01.1992 | Гистология ва тиббий биология кафедраси ассистенти |
| 2 | Мусаев Кадамбой Олимбоевич | 01.01.1976 | Жамоат соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси ассистенти |
| 3 | Пулатходжаева Холида Абдурахимовна | 01.01.1957 | Бухгалетриянинг 1.д.бухгалтери |
| 4 | Сайдуллаев Алишер Насуруллаевич | 01.01.1969 | Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими услубчиси |
| 5 | Ильясова Рухсора Ильхомовна | 01.01.1964 | Режа-молия бўлими 1.д.иқтисодчиси |
| 6 | Назиров Фарход | 01.01.1950 | 2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси профессори |
| 7 | Саидова Шахноза Ариповна | 01.01.1961 | Клиник фармакология кафедраси катта ўқитувчиси |
| 8 | Югай Алберт Валентинович | 01.01.1981 | Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик кафедраси ассистенти |
| 9 | Муродов Алижон Салимович | 02.01.1979 | Хирургик касалликлар кафедраси ассистенти |
| 10 | Матмуратов Сейилхон Куронбоевич | 02.01.1974 | 2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси ассистенти |
| 11 | Алимухамедова Мавжуда Паччаевна | 03.01.1946 | Тиббий ва биологик кимё кафедраси доценти |
| 12 | Кудияров Исламбек Абдинасирович | 03.01.1989 | Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси ассистенти |
| 13 | Бобажанов Бекзод Одилович | 04.01.1982 | Информатика ва биофизика кафедраси ассистенти |
| 14 | Исканова Гулшан Холдаровна | 04.01.1972 | 2-сон болалар касалликлари кафедраси доценти |
| 15 | Абдуллаева Розанна Мирзатуллаевна | 05.01.1967 | Тиллар кафедраси мудири |
| 16 | Ашрапов Жамшид Раупович | 05.01.1981 | Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик кафедраси ассистенти |
| 17 | Мирзаахмедов Фаррух Мирадилович | 06.01.1989 | Травматология, ортопедия ХДЖ кафедраси ассистенти |
| 18 | Ваисов Адхамжон | 06.01.1947 | Дерматовенерология кафедраси профессори |
| 19 | Авезова Гулойим Саттаровна | 07.01.1977 | Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби доценти |
| 20 | Дадабаева Раьно Кудратовна | 08.01.1965 | Врачлар малакасини ошириш кафедраси мудири |
| 21 | Гулямов Ёрқин Баходирович | 08.01.1973 | Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик кафедраси катта ўқитувчиси |
| 22 | Эшмурзаева Аида Абдиғаниевна | 09.01.1977 | 2-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти |
| 23 | Усманов Махмуджон Мансурович | 09.01.1961 | Хирургик касалликлар кафедраси доценти |
| 24 | Абдуллаева Мухлиса Масруровна | 09.01.1989 | 1-сон болалар касалликлари кафедраси ассистенти |
| 25 | Алиева Кристина Комилджановна | 09.01.1986 | 1-сон факультет госпитал терапия ва касб касалликлари курси кафедраси ассистенти |
| 26 | Бердиева Хуршида Хасановна | 09.01.1990 | Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси ассистенти |
| 27 | Кан Валентина Михайловна | 10.01.1957 | Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими муҳандиси |
| 28 | Мирсолихова Наргиз Хайруллаевна | 11.01.1972 | 1-сон болалар касалликлари кафедраси доценти |
| 29 | Маматов Хусниддин Рахимович | 11.01.1984 | Ректорат бош энергетиги |
| 30 | Алламуратов Жамшид Юлдашевич | 11.01.1989 | Талабалар турар жойи дирекцияси директори |
| 31 | Азизова Дилзода Маратовна | 11.01.1989 | Тиббий ва биологик кимё кафедраси катта ўқитувчиси |
| 32 | Мирталипова Мохизода Абдусаттаровна | 12.01.1987 | Гистология ва тиббий биология кафедраси ассистенти |
| 33 | Мухсинова Мафтуна Ибрагимовна | 12.01.1992 | Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими муҳандиси |
| 34 | Қодирова Зумрат Хайруллаевна | 12.01.1959 | Нормал ва патологик кафедраси ассистенти |
| 35 | Атахонова Нигора Эргашевна | 12.01.1962 | Онкология кафедраси мудири |
| 36 | Сайдалиходжаева Озода Замоновна | 13.01.1960 | Нормал ва патологик кафедраси доценти |
| 37 | Саттаров Ойбек Тохирович | 13.01.1984 | 1-сон факультет ва госпитал жарроҳлиги кафедраси ассистенти |
| 38 | Махсудов Валижон Гафуржонович | 14.01.1984 | Информатика ва биофизика кафедраси ассистенти |
| 39 | Тухтаев Кадир Рахимович | 14.01.1945 | Анатомия ва клиник анатомия кафедраси профессори |
| 40 | Бахриев Ибрагим Исомадинович | 15.01.1965 | Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси мудири |

**ТТА ректорати ва касаба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кунлари билан муборакбод этади.**

Ҳикмат

*Нур билан уйғонсанг чеҳрангда нур бор,*
*Болишга беморсан, ҳамон ғафлат ёр.*

Ҳикмат



# БЕШ МУҲИМ ТАШАББУС – АМАЛДА

*Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир.*
***М.Беҳбудий***

***Президентимизнинг мактаб таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар, бу борада олдинда турган долзарб вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Президент Администрацияси топшириғига кўра, Тошкент тиббиёт академиясининг Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Т.Бобомуродов ва бир қатор профессор-ўқитувчилар Сурхондарё, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида бўлишди.***

Ислоҳотлар самарадорлиги таъминлаш, таълим сифати назоратини кучайтириш ҳамда тарбия соҳасида замонавий услубларни қўллаш ишларини ташкиллаштириш бўйича Бухоро вилоятига ташриф буюрган ишчи гуруҳ вакиллари Когон шаҳридаги 11 та ўрта таълим мактабларида мактаб маъмурияти ва педагоглари, мактабларнинг 10-11-синф ўқувчилари билан очиқ мулоқотлар ўтказишди.

ТТА психологи томонидан Когон шаҳар мактаб психологлари билан "Суициднинг олдини олиш ва аниқлашда қўлланиладиган замонавий методлар", "Ўқувчи-ёшлар билан ишлашда қўлланиладиган зарур психологик методика ва тестлар", "Шахслараро мулоқот маданиятини шакллантиришда физиогномиканинг инновацион аҳамияти" мавзуларида семинар-тренинглар ташкил этилди.

Шунингдек, мактабларга тарбиянинг замонавий усулларини жорий этиш мақсадида "Ўқувчининг хронометражи", "Устозим – ҳаётим чироғи", "Келинг Ватанимизга қанот бўлайлик", "Менинг орзуим", "Маҳаллам, менинг ғururим", "Оилам – фахрим" мавзуларида танловлар ўтказиш бўйича услубий тавсиялар берилди.

Барча умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўтарилган бешта муҳим ташаббус бўйича фестиваль, спорт мусобақалари, танловлар, ижодий ишлар кўргазмалари, бадиий ҳаваскорлик бўйича концерт дастурлари, театр томошалари ташкил этилди.

Тарғибот-ташвиқот ишлари натижаси сифатида Когон шаҳридаги барча умумтаълим мактабларининг ота-оналар кенгаши ва кузатув кенгаши аъзолари билан "Умумтаълим мактаб ўқитувчиларининг мавқеини оширишда ота-оналарнинг роли" мавзусида учрашув кенг жамоатчиликка манзур бўлди.

Ишчи гуруҳ томонидан Когон шаҳри умумий ўрта таълим мактабларида фаолият юритаётган педагогларнинг касбий маҳоратини ошириш бўйича, жумладан, мактабларга олий маълумотли ёш мутахассисларни мақсадли тайёрлаш борасида олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик режасини ишлаб чиқиш, мактабнинг тажрибали ўқитувчиларига ёш мутахассисларни бириктирилиши борасида тавсиялар берилди. Бундан ташқари, тумандаги рейтинги юқори бўлган мактаблар билан биргаликда маҳорат дарсларини ўтказиш бўйича режа-график ишлаб чиқилиши тавсия этилди.

Шаҳар ҳокимлиги ва халқ таълим бўлими томонидан ўқитувчиларни соғломлаштириш ва дам олиш масканларига юбориш жадвали ишлаб чиқилди. Ўқитувчилар ва уларнинг оила аъзолари учун спорт билан шуғулланиш ва соғломлаштириш, маданий ҳордиқ чиқариш мақсадида бир ойда бир марта ўқитувчи учун ҳордиқ чиқариш тадбирлари графиги ишлаб чиқилди.

Ахборот ресурс маркази фаолияти ўрганилиб, уни самарали фаолият кўрсатиши ҳамда АРМ ходимларининг саводхонлигини ошириш мақсадида тавсиялар берилди.

**Ҳ.НУРБОЕВА,**
**ТТА маънавият-маърифат ва ёшлар билан ишлаш бўлими услубчиси,**
**Р.ПОЛВАНОВ,**
**ТТА психологи**



# ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЭЗГУ ҒОЯЛАРИ АМАЛДА

(Боши 1-бетда.)

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

Мақоламизда ёритмоқчи бўлган янгилик – бу бешинчи ташаббус, яъни хотин-қизларимизни бўш вақтини мазмунли ўтказиш, қизларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳамда уларни ҳунарли бўлишини таъминлаш мақсадида Ректоримиз ташаббуси билан 4-сонли талабалар турар жойида тикувчилик хонаси очилди. Тикувчилик хонасида 6 та тикув машинаси ўрнатилган бўлиб, хона керакли жиҳозлар, тикувчилик анжомлари билан тўлиқ таъминланди. Қизларимизга тикувчилик сирларини ўргатиш учун малакали тикувчи-педагог ҳам ишга олинди. Тикувчилик курсига ҳозирги кунда академиянинng турли факультетларида таҳсил олаётган 12 нафар қизимиз аъзо бўлдилар ва улар тикувчилик сирларини ўрганишни бошладилар. Келгусида тикувчилик курсининг ишларини янада кенгайтириб, ТТЖ учун ёток анжомларини тикиш, пардалар тикиш, талабалар турар жойида яшовчи талабаларнинг кийим-кечакларини таъмирлаш ишларини ҳам йўлга қўйиш мўлжалланган. Шу билан бирга, Олмазор тумани Шифокорлар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган "Хислат" маҳалласида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилада истиқомат қилувчи хотин-қизларга тикувчилик илмини ўргатиб, уларни иш билан таъминланишида ҳисса қўшиш ҳам назарда тутилган.

Фурсатдан фойдаланиб биз талаба қизларимизни янги ташкил этилган тикувчилик курсига таклиф этиб қоламиз.

**Л.АБДУКАДИРОВА,**
**ТТА хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раиси**

Ҳикмат

*Жисмни покламоқ сувнинг ибрати,*
*Дуо бу - тангрининг дилга шарбати.*

Ҳикмат

# ЯЛДО ТУНИ ВА ТАБОБАТ

*Ихтиро йўлидаги илк қадам – ҳайратдир.*

***Альберт Эйнштейн,***
***Халқаро Нобель мукофоти совриндори***

**Ялдо туни оқсоч тарихнинг, макон ва замоннинг энг жумбоқли, энг ҳайратли, неча асрки шоирларга илҳом бериб, олимларни ўйлантирган, фозилларни хушуъга солиб, валийларни кароматларига сабаб бўлган тун – 21-22 декабрга ўтар кечасига тўғри келади.**

Русларда энг узоқ тунга тўғри келувчи бу ажабтовур табиат ҳодисасини Варфоломей туни – Варфоломеевский ночь деб атайдилар. Варфоломей баайни бизнинг валийларимиз каби христианларда ҳам соҳибкаромат инсон ҳисобланган. Айрим диний манбаларимиз айнан мана шу энг узоқ давом этувчи тунда жаноби пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) Буроқда суворий бўлиб, Меърожга кўтарилганлигини ёзадилар (Яна ҳам Аллоҳ билгувчироқдир). Буюк даҳо Альберт Эйнштейннинг оламшумул “Нисбийлик назария”сининг дебочаси ҳам айнан шу тунда дунёга келган.

Астрономия ва физика нуқтайи назаридан Ялдо тунида она заминимиз ўзининг ўқи бўйича Шамсул оламимиз, меҳрибон қуёшимиздан энг олис масофагача оғади. Бу жараён кузги кун ва тун тенглиги 22 сентябрдан ҳар куни бир дақиқадан оғиб, айнан мана шу санада ўзининг сарҳадига келади. Кейин то 22 мартгача, яъни баҳорги кун ва тун тенглиги даврига қадар ҳар куни бир дақиқадан ростланиб, ўз мувозанатига келади.

Кун ва тун узунлиги азалдан олимлар, ҳакимлар ва табибларимизни тиббий нуқтайи назардан қизиқтириб келган. Абулқосим аз Заҳравий, Муҳаммад Закариё ар Розий, Абу Али ибн Сино, Носириддин Бурҳонуддин Рабғузий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Шамсиддин Дунасарийларнинг битикларида уларнинг табиат, жамият ва саломатликка таъсири хусусида фикрларни ўқиш мумкин. Абу Али ибн Синонинг таъбири бўйича қуёш фаоллигининг максимал даражада камайиши, кеча кундузнинг қарийб 70 фоиз қисми зулмат остида қолиши асаб руҳий тизимга салбий таъсир кўрсатиб, тутқаноқ, руҳий тушкунлик кабиларни қўзғатади, касалликларга қарши курашиш қуввати-иммунитетни заифлаштиради. Шу билан бирга замҳарир қишнинг энг мижози совуқлашган даври ҳисобланади, у олдда турган 40 кунлик чилланинг дебочаси бўлиб, савдо ва балғам мизожли-меланхолик ва флегматик одамлардаги сурункали касалликларни қўзғайди, ўлим кўп бўлади. Қиблагоҳим Фахриддин ҳожи ўғли Абдузоҳид ҳам айнан шу тунда дорулбақога рихлат қилганлар.

Астрономик нуқтайи назардан тун узоқ давом этганлиги боис ойдин тунларда самодаги юлдузларни батафсил кузатиш имкониятлари пайдо бўлади. Моҳтоб ва юлдузлар ўзининг бутун гўзаллиги ва жозибасини намоён қилади, бу эса шоирларни илҳомини келтириб, яхши асарларнинг ёзилишига сабаб бўлади. Устози комил Абдулла Орипов билан бир суҳбатимизда ўзининг энг яхши шеърларини, жумладан “Жаннатга йўл” драматик достони ва “Куз хаёллари” туркум шеърларини айнан Ялдо тунида битганини эътироф этувдилар. (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин). Бу тун мени ҳам ҳайратлантириб, қўлимга қалам тутқазган. “Фирдавс насимлари” тўпламимга киритилган “Қабристон оралаб” туркум шеърларимнинг интиҳоси ҳам айнан шу тунда битилган.

Ялдо кечасидай узун тунларда,
Гоҳ фалак сирлари кўрсатади из.
Оҳиста йиртилиб кўкдаги парда,
Тупроққа шўнғийди яна бир юлдуз.
Кўпдан юрагимни кемирар ҳадик,
Зулматга айланиб қолмасайди тун.
Кўмилган юлдузлар тафтидан кулдек
Куйиб кетмасайди бир куни замин.
Дилга ўт, қўлингга тутқазиб қалам,
Тупроқ лабларингдан истайди бўса.
Зоҳидий, огоҳ бўл, қадам-бақадам,
Тўляпти, дунёда энг улкан коса.
Бир куни... Бир куни тошиб кетар у,
Шакл моҳиятга қилганда торлик.
Кўзларингга инар энг сокин уйқу,
Эврилиб кетади, сенга шу борлиқ...

**Алижон ЗОҲИДИЙ,**
**Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,**
**Халқаро “Экология и здоровье человека” Илмий академияси академиги**

# ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ОЙЛИГИ ТАДБИРЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида 2019 йилда ёшларга оид Давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури”нинг 13-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент тиббиёт академиясида “Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги” доирасида кўплаб тадбирлар, тушунтириш-тарғибот ишлари амалга оширилди.***

Ойлик давомида барча академик гуруҳларда маъруза ва амалий машғулотлар жараёнида, ТТА профессор-ўқитувчиларига ҳафтанинг чоршанба кунлари ташкил этиладиган Ахборот ва маънавият соатлари, талабаларига эса жума кунлари Ҳуқуқий саводхонлик доирасида тушунчалар бериб борилди.

ТТАнинг барча факультет ва академик гуруҳлари ўртасида “Биз коррупцияга қаршимиз” шиори остида иншолар танлови ўтказилди.

Тошкент тиббиёт академияси Магистратура бўлимида “Ҳуқуқий саводхонлик” ойлиги доирасида “Коррупция инсоният тараққиётининг кушандаси” мавзусида очиқ мулоқот ташкил этилиб, унда ТТА магистратура бўлими бошлиғи А.Имомов, Ички ишлар вазирлиги ходими, подполковниги А.Махаматов, капитан С.Қодиров ва катта лейтенант О.Муродовлар иштирок этишди. Айнан худди шундай мазмундаги тадбирлар 4-5 ва 7-ТТЖ ҳам ташкил этилди.

Ойлик доирасида “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида “Сайловлар – демократик жараёнлар кўзгуси” мавзусида “Миллий тикланиш” демократик партияси вакиллари билан очиқ мулоқот, ТТА Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.Бобомуродов, ТТА Ёшлар иттифоқи етакчиси Ж.Умаров ва 5-ТТЖ талабалари билан ҳамкорликда Давлат байроғи қабул қилинган куннинг 28 йиллигига бағишланган қўшма тадбир, ТТА “Информатика ва биофизика” кафедрасида “Биз коррупцияга қаршимиз” шиори остида педагог-ходимлар ўртасида давра суҳбати, ТТА ТТЖ дирекцияси ва даволаш факультети 4-ТТЖ талабалари билан биргаликда “Коррупция – тараққиёт кушандаси” мавзусида тадбир, “Эркин сайловлар – фуқаролик жамиятининг асосий белгиси” мавзусида очиқ дарслар ўтказилди.

Ойлик якуни бўйича 30 ноябрь куни “Шифокор” спорт мажмуасида Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида анъанавий волейбол, стол тенниси, шахмат каби спорт турлари бўйича мусобақалар ва “ОИТСга қарши курашамиз”, “Биз-ёшлар соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз” шиори остида расмлар танлови, “1 декабрь – Бутунжаҳон ОИТСга қарши курашиш куни” муносабати билан “Ёшлар – ОИТСга қарши” деб номланган катта тадбир ташкил этилди.

**А.САЙДУЛЛАЕВ,**
**Ҳ.НУРБОЕВА,**
**Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими услубчилари**

Ҳикмат

*Қаторда норинг бор, сен нор юргайсан,*
*Унутма, яккасан, ночор юргайсан.*

Ҳикмат



# БИЗ ОИТСГА ҚАРШИМИЗ! БИЗ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ

***1 декабрь – Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш курашиш куни муносабати билан Тошкент тиббиёт академияси маърифат-маънавият бўлими, ХҚҚ БТ, факультет деканатлари, Жисмоний тарбия кафедраси, Мураббийлар кенгаши томонидан “Ёшлар ОИТСга қарши” мавзусида тузилган режага асосан талаба-ёшлар, лицей ҳамда мактаб ўқувчилари, маҳалла аҳолиси ва корхоналарда стенд-расмлар намойиши, учрашув, викторина, давра суҳбатлари ўтказилди.***

Якуний тадбир Тошкент тиббиёт академияси “Шифокор” спорт комплексида Тошкент тиббиёт академияси талаба-қизлари ўртасида “Биз ОИТСга қаршимиз. Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз” шиори остида факультетлараро спорт мусобақалари сифатида ўтказилди.

Тадбирни ТТА Ёшлар билан ишлаш Маънавият-маърифат ишлари бўйича проректор Т.Бобомуротов очиб берди. Шундан сўнг сўз Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази шифокори Д.Ахмедовага берилди.

Спорт мажмуаси фойесида ҳар бир факультет талабалари чизиб келган “Биз гиёҳвандликка – ОИТСга қаршимиз” мавзусидаги расм-плакатлар намойиши бўлиб ўтди. Энг яхши плакат расм чизган факультет деб тиббий профилактика факультети топилди, иккинчи ўринда тиббий педагогика факультети талабалари, учинчи ўринни даволаш факультети талабалари эгаллади.

Тадбирнинг асосий қисми “Қувноқ стартлар” мусобақаси билан бошланди. Мусобақанинг бу турида ОМҲ факультети талабалари биринчиликни қўлга киритдилар. Спорт мусобақасининг шашка ва шахмат турлари қуръа ташлаш асосида ўтказилди. Мусобақада ҳар бир командадан 2 нафардан ўйинчи иштирок этди. Мусобақа олимпик ўйин тартиби асосида ўтди. Ушбу мусобақанинг шашка тури бўйича биринчиликни тиббий-профилактика факультети талабаси У.Тешабаева эгаллаган бўлса, шахмат мусобақасида эса биринчилик даволаш факультети талабаси Д.Қодировага насиб этди.

Волейбол мусобақаси бўйича ҳар бир жамоадан 6 нафардан қатнашчи иштирок этди. Ўйинлар 3 таймдан иборат бўлиб, партиялар нисбатига қараб аниқланди. Ушбу мусобақада биринчиликни ОМҲ факультети талабалари эгаллади. Стол тенниси тури бўйича ўтказилган мусобақада тур ғолиби даволаш факультети жамоаси деб топилди.

**Ф.ХАСАНОВА,**
**М.МАҚСУДОВА**
**ТМА клиник ординаторлари**

# ЁШЛАРНИ ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШ ФАКУЛЬТАТИВ КУРСИ ОЧИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилнинг 24 май куни Ўзбекистон Миллий университетида таълим ва илм-фан соҳа вакиллари билан бўлиб ўтган учрашуви мажлиси ҳамда Тошкент шаҳри Олмазор туманига ташрифи давомида берилган топшириқлар 21-сонли баёнининг 83-банди ижроси юзасидан Тошкент тиббиёт академияси Хотин-қизлар бошланғич ташкилоти – Олмазор туман Хотин-қизлар қўмитаси, Олмазор туман ФҲДЁ бўлими, туман “Оила” маркази билан ҳамкорликда талаба-қизларни оилага тайёрлаш, шарқ қизлари одобини уларнинг онгига сингдириш, ўз навбатида ўзбекона урф-одатлар, миллий менталитетимиз ва асрий анъаналардан келиб чиққан ҳолда замон билан ҳамнафас равишдаги турмуш тарзини ўргатиш учун “Оилага тайёрлаш” факультатив курси дастури ишлаб чиқилди.***

Оилага тайёрлаш факультатив курси бўйича тақдим этиладиган мазкур дастурда талаба қизлар учун оилада энг зарур бўлган бурч ҳамда масъулиятлар, фаровон ҳаёт асоси бўлган тарбиявий масалалар ўргатилади. Шунингдек, Шарқ ва Ғарб оилалари ўртасидаги тафовутлар, шарқона ҳаёт тарзи ва бошқа мавзулар доирасидан келиб чиққан ҳолда мавзулар ёритиб берилган.

Мазкур курсининг мақсади талаба қизлар учун бирламчи бўлган зарурий омиллар, оилада турмуш ўртоқ, қайнона ва қайнота, бошқа оила аъзолари билан муомалаю муроса илми сирларининг назарий ҳамда амалий жиҳатларини бевосита ва билвосита ўргатишдан иборатдир.

Оилага тайёрлаш факультатив курсининг вазифаси талаба қизларимиз учун турмуш сирлари, ҳаёт сабоқлари ҳақидаги назарий ва амалий билимларни бериш асносида тингловчиларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Оилага тайёрлаш факультатив курсининг мақсад ва вазифалари.

Ушбу “Оилага тайёрлаш” факультатив курси бўйича тузилган ўқув дастурининг асосий мақсади тингловчиларнинг мавзуга оид турли вазиятларда, турмуш фаровонлиги ва бахтли ҳаёт кечиришнинг сир-асрорларини ўзлаштириш, янгича дунёқарашни миллий руҳ билан ўзаро узвий боғлиқ ҳолда турмушга татбиқ қилиш каби бир қатор долзарб масалаларни ўз олдига мақсад қилиш билан биргаликда оилада юзага келадиган муаммоларга ечим топиш, уларни оқилона йўл билан ҳал қилиш каби вазифаларни кўзда тутади.

“Оилага тайёрлаш” факультатив курсига оид ушбу дастурда қайд этилган талаблар доирасида балоғатга етган қизларни турмушга тайёрлаш, оила бекалигининг масъулияти, шунингдек, қайнона ва келин муносабати, эр-хотин ўртасидаги муносабат, келиннинг бошқа оила аъзолари билан муомила ва муносабати сингари нозик жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда малака ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

“Оилага тайёрлаш” факультатив курсининг таълимий мақсади деганда жамиятнинг умумий маданиятини ўрганиш жараёнида талабаларни оила, турмуш ва унда кечадиган жараёнлар, қолаверса, соғлом турмуш тарзи, бахтли ҳаёт кечириш учун босиб ўтиладиган этапларни ўзлаштириш орқали оқила ҳамда фаросатли бекалик сирларини ривожлантириш тушунилади.

“Оилага тайёрлаш” факультатив курси бўйича билимларни шакллантиришнинг дастлабки босқичида юқорида кўрсатилган омилларни инобатга олиб 30 ўқув соатига мўлжалланган ва қуйидаги мавзуларни ўз ичига қамраб олади: қиз боланинг қадр-қиммати ҳамда оилада тутган ўрни, қиз боланинг орзу ва мақсадлари, шукроналик ҳисси, оилада соғлом руҳий муҳитни шакиллантиришда оила аъзоларининг ўрни, никоҳ ҳақида тушунча, шарқ оилалари билан ғарб оилалари ўртасидаги тафовутлар ҳамда миллий анъаналаримиз билан танишув дарси курс ишини якунлайди.

**Л.АБДУКАДИРОВА,**
**ТТА хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси**

Ҳикмат

*Қушларни ҳовлингда парвона кўрдинг,*
*Боқий баракага сен шона кўрдинг.*

Ҳикмат